



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2009 йил. 2 ОКТЯБРЬ. ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 193 (11.504)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Юртимизда хорижий сармоядорларга яратилган қулай инвестицион муҳит туфайли ташкил этилган қўшма ва хорижий корхоналар муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.**



### Ҳамкорлик самараси

**Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар кенгашида 1 октябрь — Ҳўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унга мазкур ташкилот тизимида самарали меҳнат қилиб келаётган спорт педагог-ҳўқитувчилар ва спорт мураббийлари таклиф этилди.**

### ВАТАНПАРВАРЛАР УЧРАШУВИ

«Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар кенгаши раиси З.Раҳматов мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда, жумладан, таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади. Бунда «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури каби ҳужжатлар муҳим омил бўлмоқда.

Ташкилот юртимиз Қуролли Кучларига ҳарбий-техник тайёргарликдан ўтган, ҳар томонлама пухта билим ва ҳаётий кўникмага эга кадрларни етказиб бериш билан бирга, ҳалқ ҳўжалигини малакали техник мутахассислар билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Ташкилотнинг Тошкент шаҳар кенгаши тасарруфидаги мавжуд 11 ўқув спорт техник клуби ва битта бирлашган техника мактабида фаолият кўрсатаётган эллиқдан зиёд ҳўқитувчи, 28 нафар спорт мураббийси ва 121 нафар амалий бошқарув устаси бу йўлда самарали меҳнат қилмоқда. Тадбирда ташкилот тизимида узоқ йиллардан бери фидокорона меҳнат қилиб келаётган ҳўқитувчи-мураббийлардан бир гуруҳига қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Х.САЛИМОВ, ЎЗА мухбири**

### РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ ОРТМОҚДА

Шунинг баробарида уларнинг сафи кенгайиб, ишлаб чиқарилаётган жаҳон андозалари даражасидаги юқори сифатли маҳсулотлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорини топмоқда. Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Байпак-текстиль» хорижий корхонаси ана шундай жамоалар сирасига кирди. Корхона цехлари замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган бўлиб,

улар йилига 1800 тонна маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Корхонада маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланган ҳолда калава ип тайёрлаш йўлга қўйилган. Маҳсулот сифатига қаратилган алоҳида эътибор унинг рақобатбардошлигини ошириб, буюртмалар ортишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Албатта, бу борада малакали мутахассисларнинг изланишлари яхши самара бермоқдаки, шу боис ҳам кор-

хона цехларида ойига 155 тонна пахта толаси қайта ишланиб, ундан калава ип тайёрланмоқда. Шаҳримиздаги «Байтекс тижарет» хорижий корхонаси тадбиркор жамоатининг тижорат ҳамкорларидан саналади. Шу боис ҳам айни пайтда тайёрланаётган калава ипнинг асосий қисми мазкур корхонага етказиб берилмоқда. Етказиб берилган хом ашёдан эса ички ва ташқи бозорда харидоргир бўлган рақобатбардош три-

котаж кийим-кечаклари, турли хил матолар тайёрлашда фойдаланилади. Корхонада бугунги кунда хорижий технологик линиялар, замонавий дастгоҳлар билан тиллаша оладиган ва махсус тайёргарликдан ўтган мутахассис ҳамда ишчи-ҳодимлар меҳнат қилишмоқда. Уларнинг мақсади ишлаб чиқариш ҳажминини ҳамда маҳсулот сифатини ошириб, буюртмаларини вақтида адо этишдир. **Шарофат БАҲРОМОВА СУРАТДА: цехларда маҳсулот сифатига алоҳида эътибор қаратилади.** **Азамат Аҳмедов олган сурат**

**Пойтахтда сайлов кампанияси билан боғлиқ биринчи галдаги вазифалар муҳокамага бағишланган учинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси бўлиб ўтди. Сессияни Тошкент шаҳар ҳоқими Абдуқаҳҳор Тўхтаев олиб борди.**

### ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Жорий йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг конституциявий ваколат муддатлари тугайди. Ўзбекистон Конституциясининг 117-моддаси иккинчи қисми талабларидан келиб чиққан ҳолда, парламентнинг Қонунчилик палатасига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов 2009 йил 27 декабрь кунини ўтказилади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошлани-

шини эълон қилиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Ўзбекистон Конституциясининг 117-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддаси ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ сайлов кампанияси 2009 йил 22 сентябрдан бошланди. Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунга асосан янги чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясини тузиш масаласи муҳокама қилинди. Қайд этилган Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ шаҳар сайлов комиссияси амалдаги Кенгаш томонидан комиссиянинг раиси ва олти-ўн тўрт на-

фар бошқа аъзоларидан иборат таркибда тузилади. Сессияда депутатлар комиссия аъзолигига таклиф этилган номзодларни муҳокама қилиб, раис ва 14 кишидан иборат шаҳар сайлов комиссияси таркибини тасдиқлашди. Мазкур қонунда белгилаб ўтилганидек, шаҳар сайлов комиссияси ўз ваколатларини тегишли халқ депутатлари Кенгашларига сайлов юзасидан навбатдаги сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингунга қадар амалга оширади. Учинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси томонидан сайлов кампанияси, бевосита учинчи чақириқ депутатлари сайлови, шунингдек Сенат сайлови, бўшаб қолган ўринларга бир неча сайловлар ўтказилди. **(Давоми 2-бетда).**

### ҲўРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР, КАДРЛИ ЁШЛАР!

**СИЗЛАРНИ 2009 ЙИЛ 7-8 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ СОАТ 9.00дан 16.00гача БОБУР НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОХАТ БОҒИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.**

Меҳнат ярмаркасида шаҳримизда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг 15442 та бўш иш жойлари таклиф этилади. Шунингдек, бевосита 180 дан ортиқ иш берувчи бўш иш ўринлари ҳамда кўрғазмалари билан иштирок этади. Ярмаркада қуйидаги мутахассисликлар бўйича вакант жойлари тавсия қилинади: — шифокор ва ҳамшира — 483 та — тикувчи, бичувчи, йигирувчи — 741 та — иқтисодчи-ҳисобчи — 131 та — муҳандис-механик — 344 та — ҳўқитувчи-тарбиячи — 272 та — чилангар-сантехник — 843 та — ҳайдовчи — 788 та — электр ишлари бўйича мутахассис — 285 та — кранчи-машинист — 236 та — электргазпайвандчи — 197 та — қурувчи (сувоқчи-бўёқчи, гишт терувчи, бетончи) — 580 та **Ташкилий қўмита**

**XXI сандоси**  
аср  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг Фармонида мувофиқ Италиянинг Милан шаҳрида ўтказилган бокс бўйича XV жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этган Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоларининг бир гуруҳи фахрий унвон ва орденлар билан тақдирланди.
- Пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шўхрати» музейида Италиянинг Милан шаҳрида ўтказилган бокс бўйича XV жаҳон чемпионатида голибликни қўлга киритган спортчиларимизни шарафлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, жамоатчилик вакиллари ҳамда бир гуруҳ талаба-ёшлар иштирок этишди.
- Ўзбекистон Республикасининг «Электр энергетикаси тўғрисида»ги ва «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунлари Республикаимизнинг марказий газеталарида эълон қилинди.
- Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ижроия қўмита аъзолари билан биргаликда ЎЗХДП минтақавий ташкилотлари раҳбарлари ҳам иштирок этдилар.
- Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида юртимиз ва Россия мусаввирларининг Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган «Арт-карвон» мавзуидаги кўрғазмаси очилди.
- «Бухорогипс» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасида биноларни пардозлаш ишларида кенг қўлланиладиган қуруқ қурилиш аралашмаси тайёрлайдиган янги цех ишга тушди. Цехнинг 156 тонна дастлабки маҳсулоти ташқи бозорга экспорт қилинди.
- Қарши шаҳрининг Чақар маҳалласида тадбиркор Анвар Алиқулов томонидан йирик савдо мажмуаси бунёд этилди. 85 та дўкон жойлашган мазкур мажмуа миллий меъморчилик анъаналари услубида қурилган бўлиб, бу ерда юзта янги иш ўрни яратилди.
- Наманганда фаолият кўрсатаётган «Нестле — Ўзбекистон» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган сут маҳсулотлари ва ичимлик сувига талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ҳозирда мазкур қўшма корхонада 320 нафардан зиёд ишчи-ҳизматчи меҳнат қилмоқда.
- Сардиния оролидаги меҳмонхоналарнинг бирида дам олаётган Саудия Арабистони шаҳзодасининг хонасига яширинча қирган номаълум шахслар 10 дақиқа ичида пўлат сандиқни олиб чиқиб кетишган. Сандиқда қимматбаҳо тақинчоқлар билан бирга 11 миллион евро ҳам бўлган. Ҳозирда мазкур ўғирлик юзасидан Италия маҳфий хизмати ходимлари иш олиб боришмоқда.
- Германиянинг дунёга машҳур «Адиас» компанияси жорий йилнинг биринчи ярмини зарар билан якунлади. Ўтган йилга қараганда компаниянинг соф фойдаси 117 миллион евродан 8 миллион еврога тушиб кетган. Шу кунгача унинг савдоси 2,5 фоизга тушиб, молиявий зарар кўрган.
- Гренландия ва ғарбий Антарктидадаги музликлар шиддат билан эриб, мазкур жаҳон илгариги прогнозлардан ҳам ўтиб кетмоқда. Шу боис бу борада Буюк Британия олимлари жиддий ташвишга тушмоқда.
- Марокаш Ички ишлар вазирлиги «Ал-Қоида» билан алоқадор террорчилик тизимининг эҳтимолий 24 нафар иштирокчилари ҳибсга олинганлигини маълум қилди. Хабар қилинишича, террорчилик тизими аъзолари Швеция, Бельгия ва Суриядаги шунга ўхшаш ташкилотлар билан алоқа ўрнатган экан.
- Руминиянинг жануби-шарқда жойлашган Хунедоор шаҳридаги ҳайвонот боғидан қочиб кетган иккита йўлбарс яна ўз жойига қайтарилди. Жониворларнинг чиқиб кетишига хизматчилар хонасига кириб, йўлбарслар сақланадиган қафас эшигини очиб юборган ўсмир сабабчи бўлган экан. Мутахассислар бир неча соатлик уринишдан сўнгра яқин орадаги истироҳат боғига яширинган йўлбарсларни тутишга муваффақ бўлишди.
- Филиппин аҳолиси сув тошқинларидан азият чекаётган бир пайтда юз берган тўфон уларга янада қийинчилик туғдирди. Табиий офат олти соат мобайнида 3,2 мингга турар жой ва қўллаб маъмурий биноларни вайрон қилган. 370 мингдан ортиқ одам кўчада қолган ва 240 нафар киши ҳалок бўлган.

**ҚИСКА САТРАРДА**  
Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ТОШКЕНТ** молия институтида 1 октябрь — Ҳўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган фахрийлар ва ҳўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбир «Устоз отангдек улуг» деб номланди.

✓ **ТОШКЕНТ** туризм касб-ҳунар коллежида 1 октябрь — Ҳўқитувчилар ва мураббийлар кунини муносабати билан уюштирилган тадбирда фахрий ҳўқитувчиларга эсдалик совғалари тўхфиларга тақдим қилинди.

✓ **СОБИР** Раҳимов тиббиёт коллежида ҳўқувчилар, ҳўқитувчилар иштирокида «Саломатлик — туман бойлик» мавзуида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир «Ёшлик»

талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, Собир Раҳимов туман ФХД бўлими, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.

Марказий сайлов комиссиясида

БИТИМЛАР ИМЗОЛАНДИ

Сайловнинг ошкора ва эркин, демократик тамойилларга мос ҳолда ўтказилишида оммавий ахборот воситалари фоят муҳим ўрин тутати.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддаси қоидаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича Концепцияга мувофиқ оммавий ахборот воситалари жорий, 2009 йилда ҳам сайлов жараёнини кенг ёритиб боради.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини ёритиш бўйича Ўзбекистон Миллий телерадиоком-

панияси, шунингдек, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан битимлар имзоланди.

Ушбу битимлар сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, мамлакатимиз ва чет эл жамоатчилигини Ўзбекистонда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича барча тadbирлардан кенг хабардор қилиш мақсадида имзоланди. Битимларда аҳоли ўртасида миллий сайлов қонунчилигини – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар сайлов ҳуқуқлари кафолат-

лари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида”ги қонунлари моддалари ҳамда сайлов жараёнини тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни сайловчилар ўртасида тушунириш бўйича ишларни самарали ташкил этиш борасидаги чоратadbирлар кўзда тутилган. Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини олиб боришда оммавий ахборот воситаларида, жумладан, тенг эфир вақти ва босма майдони ажратиш орқали уларга тенг шaroит яратилишига алоҳида эътибор қаратилган.

— Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик Марказий сайлов комиссияси Концепциясида ва мам-

лакатимиз парламенти ҳамда маҳаллий ва ҳокимият органларига сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тadbирлар календарь режасида кўзда тутилган вазибаларни бажариш мақсадида амалга оширилмоқда, — деб таъкидлади битимларни имзолаш якунларида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов. — Ҳамкорлигимизнинг асосий мақсади — барча сайловчиларга сайловда эркин иштирок этиш, сиёсий партияларнинг сайловолди дастурлари ва улар томонидан кўрсатиладиган номзодлар билан танишиш, сайлов кунини тенг равишда овоз бериш учун барча зарур шарт-шaroитларни яратишдан иборат. Томонлар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг марказий теле, радиоканалларида, давлат босма оммавий ахборот воситаларида ва республиканинг ахборот агентликларини орқали сайловга тайёргарликнинг бориши ва уни ўтказишга оид ахборотларни ўз вақтида тақдим этиш ва тарқатиш борасида ҳамкорлик қилади.

(ЎЗА)

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Миллий университетида «Динамик системаларни бошқариш ва оптималлаштириш — CODS-2009» халқаро илмий конференция иш бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Россия Халқлар дўстлиги университети, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ривожланиётган дунё Фанлар академиясининг Ўзбекистон бўлими ҳамкорлигида математика фани бўйича йирик илмий конференцияда жаҳоннинг нуфузли университетларидан ўз соҳасининг билимдонлари иштирок этмоқда. Жумладан, Россия, АКШ, Малайзия, Испания каби бир қатор давлатлардан 100 дан зиёд математик олимлар ўз изла-ниш ва тадқиқотларини иштирокчилар эътиборига ҳавола қилишди. Эътиборлиси, улар орасида ўзбекистонлик олимлар ҳам ўз маърузалари билан қатнашишди.

Конференциядан кўзланган асосий мақсад математика фанининг асосий йўналишларидан бўлган “Динамик системаларни бошқариш ва оптималлаштириш” соҳасида юз бераётган илмий янгиликларни кенг доирада ўрганиш. Шунингдек мавжуд назарияларни ўртага ташлаш ва илмий тадқиқот натижаларини олимлар ўртасида муҳокама қилишди.

— Мазкур конференцияда “Чексиз дифференциал тенгламалар билан ёзилувчи бошқарув масаласи” мавзусида маъруза қилдим ва чиқишим иштирокчилар эътиборига сазовор бўлди. Асосийси, ўзбекистонлик олимлар томонидан соҳа ривож боришида салмоқли ишлар амалга оширилган. Тадбирда изланишларимиз асқотадиган қўллаб янгиликлардан бохабар бўлган, — дейди Малайзиянинг Путра университети аспиранти Рисман Мат Хасим.

ТАНЛОВ ФОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Пойтахтимизда Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида ўтказилган UZ миллий доменидаги сайтларнинг интернет-фестивали фолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Қарий беш ой мобайнида ўтказилган интернет-фестивалдан кўзланган мақсад интернет тармоғида миллий ресурслар ва хизматлар бозорини жадал ривожлантириш, соҳаларда замонавий технологияларни кенг татбиқ этиш ҳамда бу борадаги ютуқларни оммалаштиришдан иборат эди. Мамлакатимизда компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация тизимини замон талаблари асосида такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Барча вазирлик, идора ва ташкилотларда замонавий коммуникация технологияларидан фойдаланиш, жамоатчиликка тезкор ахборот етказиш изчил йўлга қўйилиб, интернет тармоғида уларнинг доимий ишлайдиган веб-сайтлари очилгани ҳам соҳада амалга оширилётган ишлар қўламадан далолат беради.

Фестивалда 750 дан ортқ сайтлар иштирок этди. Танлов сўнггида 13 мавзу ва 3 та номинация бўйича фолиблар аниқланди.

“Энг яхши OAB сайти” номинацияси бўйича биринчи ўринни Gazeta.uz сайти эгаллаган бўлса, иккинчи ўринга PR.uz сайти муяссар бўлди. Учинчи ўринни эса Ўзбекистон Миллий Ахборот Агентлиги — ЎЗА қўлга киритди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги “Энг яхши давлат бошқаруви органи сайти” йўналиши бўйича фолибларини қўлга киритган бўлса, “Билайн” “Энг яхши корпоратив сайт” деб топилди. Шунингдек, танлов доирасида фан ва таълим, туризм ва сайёҳлик, электрон савдо, спорт, соғлиқни сақлаш, давлат тили ва бошқа йўналишдаги энг яхши сайтлар аниқланди ва уларга эсдалик совғалар топширилди.

ХИТОЙ ТИЛИДАГИ КИТОБЛАР

Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонада хитой тилидаги китоблар тақдироти бўлиб ўтди.

Китоблар “Мутолаа — 2009” байрами муносабати билан Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан тақдим этилди. Улар Хитой тарихи, маданияти, халқининг миллий урф-одатлари, анъаналари, адабиёти ҳамда фан соҳасидаги улкан ютуқлари ҳақида сўзлайди.

Тадбирда Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги факултети ва мухтор элчиси жаноб Юй Хунцзюнь сўз олиб, Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги ҳар томонлама фойдаланмадан маданий алоқаларни йўлга қўйиш фойдадан холи бўлмасди. — Кутубхона фаолиятини ҳар қачон ривожлантириш йўлиларини изламоқ зарур. Эеро, китобнинг ёш авлод тарбиясидаги тугган муҳим ўрни ва аҳамияти беқиёс, — деди элчи жаноблари. — Шунингдек, Миллий кутубхона ва Хитой Халқ Республикаси давлат кутубхонаси ўртасида ноёб китоблар алмашинуви борасида алоқаларни йўлга қўйиш фойдадан холи бўлмасди. — Мен хитой тилини ўрганман, — дейди китобхонлардан бири. — Хитой тилидаги китобларнинг кўплиги, изланишларда мушкулликни осон қилади.

“Туркистон-пресс”

ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ЙИФИЛИШИ

Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга ўтказиладиган сайлов олдида сайлов кампанияси бошланганлиги муносабати билан Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар комиссияси ҳам ўз ишини бошлади.

лов жараёнида босқинча-босқинча амалга ошириладиган сайловолди тadbирлар режаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тadbирларнинг календарь режаси ижро учун қабул қилинди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 14-уй манзили бўйича жойлашди. Шаҳар комиссияси телефонлари — 233-04-67, 233-04-78.

бириктириш хусусида қарор қабул қилинди. Шунингдек, шаҳар сайлов комиссиясининг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига бўлиб ўтадиган сай-

панияси давомида жойларда тегишли қонунчиликка амал қилинишини назорат қилиш ва тегишли ёрдам кўрсатиш мақсадида комиссия аъзоларини туманларга

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўтган беш йил ичида шаҳар сайлов комиссияси иши бўйича биронта эътирозлар қайд этилмади. Шаҳар сайлов комиссиясининг фаолияти, комиссия томонидан ишлаб чиқилган кўргазмалар материаллар тажриба тариқасида республика бўйича оммалаштирилди. Айни пайтда учинчи чақирғиқ шаҳар сайлов комиссиясининг ваколати тугади. Шу муносабат билан сессияда амалдаги депутатлик корпуси номидан шаҳар сайлов комиссияси аъзоларига миннатдорчилик билдирилди.

Қайд этилган қонунга мувофиқ сессия кун тартибида ҳудудий сайлов округларини сони ҳамда сайловчилар меъёрини белгилаш масаласи ҳам муҳокама қилинди. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида» ги Қонуннинг 7-моддасига биноан амалдаги Кенгаш депутатлари томонидан халқ депутатлари шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округлари сони аҳолининг, сайловчиларнинг сонини, ҳудудни ва бошқа маҳаллий шaroитларни инобатга олган ҳолда мазкур қонунда белгиланган меъёрлар доирасида 60 та, ҳар бир сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар меъёри эса ўртача 22,5 минг сайловчи ҳисобидан белгиланди.

Сессияда туман ҳокимликлари, тегишли тузилма раҳбарларига ўз ваколатлари доирасида тузилладиган округ ва участка сайлов комиссияларига самарали фаолият юртиши учун тегишли талабларга биноан жойлар ажратилиши, уларни жиҳозлаш масалаларида ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш борасида, шунингдек сайлов кампанияси мобайнида ободонлаштириш тadbирларини кучайтириш юзасидан тавсиялар берилди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

“Ўзбекистон халқи мустақилликка эришганининг 18 йиллигини — мустақил ривожланишнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодийётига асосланган дунёвий демократик давлат барпо этиш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш сари шарафли йўлининг ўн саккиз йиллик кўтулу санасини нишонламоқда”, дейилади мақолада.

Ўтган йиллар давомида кенг қамровли ислохотлар мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олди. Собиқ иттифоқ ҳудудидаги давлатлардан бири бўлган Ўзбекистон биринчилардан бўлиб таълим соҳасини тубдан ислох қилишни бошлади. Ахир мамлакатда иқтисодийётнинг барқарор ва изчил ривожланиши энг аввало интеллектуал ресурсларнинг етарли даражада бўлиши билан белгиланади.

Миллий таълим тизимидаги ислохотларни амалга ошириш — мамлакат келажаги учун сармомия аямаслик Ўзбекистоннинг барқарорлиги, равнақи ва фаровонлигининг кафолатидир. Ушбу соҳада олиб борилаётган янгиликларни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилиши ўсиб келаётган авлоднинг мустақам билим, теран тафаккур ва юксак маънавий асосларда тарбиялашга йўналтирилган, деб ёзади газета.

Мақолада таъкидланганики, мамлакат раҳбари ташаббуси билан 1997 йилда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинган эди. “Таълим тўғрисида”ги қонун асосида ишлаб чиқилган ушбу дастур юксак маданиятга эга, ижодий ва ижтимоий фаол, мустақил равишда ижтимоий-сиёсий ҳаётга йўнал-

тиришга қодир, истиқболдаги вазибаларни белгилайдиган ва уларни ҳал эта оладиган янги авлоднинг шакллантириш каби барча ислохотларнинг стратегияси ва асосий мақсадини белгилаб берди.

Жорий йилда Ўзбекистонда 2004-2009 йилларга мўлжалланган мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури амалга ошириш ниҳоясига

бинолари ва муҳандис-коммуникация инфратузилмаси тубдан янгиланди. 2004-2009 йилларда 3 миллион 12 минг нафар ўқувчи мўлжалланган 8500 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Жумладан, 351 та янги мактаб бинолари қурилди, 2470 та мактаб биноларида капитал таъмирлаш, 3607 тасида тегишли равишда капитал ва 2072 таси-

лион ўқувчидан деярли ярми мунтазам равишда жисмоний тарбия билан шуғулланади.

Мақолада “Ўзбекистон халқ таълими соҳасида янги 2009-2010 ўқув йили маънавий-маърифий самарадорлик йили этиб белгиланди. Янги китобларни яратиш ва юқори сифатли нашр этишни рағбатлантиришнинг янги тизими тасдиқланди. Мамлакатнинг ҳар бир жажжи фу-

«КАРЬЕРА» ГАЗЕТАСИ ЎЗБЕК ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ҲАҚИДА

Германияда чоп этиладиган «Карьера» газетасининг навбатдаги сониде «Ўзбекистон: таълимга эътибор — келажаққа эътибор» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда Ўзбекистон Республикасида таълим тизими соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида сўз юритилади.

етди. Амалий тadbирларнинг ушбу улкан мажмуаси таълим жараёнининг барча жабҳаларини қамраб олди. Бу янги мактабларнинг қурилиши, уларни замонавий лаборатория жиҳозлари, компьютерлар билан таъминлаш, шунингдек, таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва педагогларни тайёрлаш тизимини замонавийлаштириш дегани ҳамдир, дейилади нашрда.

Агар 2004 йилда бутун мамлакат бўйича умумтаълим мактаблари атиги 1431 та компьютер техникалари билан таъминланган бўлса, 2009 йилга келиб уларнинг сони 6709 тага кўпайди.

Охириги беш йил давомида умумтаълим мактабларининг

да жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ушбу мақсадларга 962,7 миллиард сўм сарф қилинди. Кишолар жойларидаги деярли ҳар бир мактаб шаҳар мактаблари билан муносиб равишда рақобатлаша олади. Умуммиллий дастур асосида 2004-2008 йилларда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилган кишоларнинг 80,7 фоиз мактабларининг 3,1 фоизи тоғли ҳудудларда жойлашган.

Давлат дастури доирасида 2004-2009 йилларда 1736 та умумтаълим мактабларида спорт заллари қурилиб, мавжудлари қайта таъмирланди. Хозирги вақтда умумтаълим ўқув масканларидаги беш мил-

қароси ўз она тилида таълим олиш имкониятини яратиш мақсадида китоблар етти тилда чоп этилмоқда. Ўзбекистоннинг ушбу тажрибаси бутун Марказий Осиёда ягона саналади. Дарсликлар мунтазам равишда қайта нашр қилинмоқда”, дея қайд этилади.

Мақолада шунингдек мактабларни юқори малакали ўқитувчилар билан таъминлашга қаратилган умуммиллий дастурнинг муҳим йўналишига алоҳида ўрин берилган. Ўқитувчиларнинг аттестациядан ўтказиш муддати беш йилдан уч йилгача қисқартирилди, улар учун халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларида турли

«Жаҳон» АА

ХАТАЛК МЕДАСТУРА



ДУШАНБА, 5

Ўзбекистон

05.55 Курсатулар дастури. 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 07.00 «Икким» 07.05 «Ихбор» 07.10 ТВ - анонс. 07.15 ТелеТвтр: «Етти фарёд» 07.50 «Олтин мерос» 08.00 «Тахлилнома» 08.40 - 09.40 «Манавият» дастури...

Ўзбекистон

18.20 «Тошкентнинг илм масканлари» 18.30 «Пойтахт» 18.50 «Муҳаббат қаҳаси» Т/с. 19.40 «Бишкек» - Пойтахт. 19.50 «Будите здоровы» 20.00 Информационная программа «Пойтахт»...

СЕШАНБА, 6

Ўзбекистон

05.55 Курсатулар дастури. 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 07.00 «Икким» 07.05 «Ихбор» 07.10 ТВ - анонс. 07.15 ТелеТвтр: «Етти фарёд»...

Ўзбекистон

16.30 «Всё тип-топ, или Жизнь Зака и Луны» 16.40 «Хочу верить!» 17.00 «Давши молодежь» Серил. 23.00 Х/ф «Полицейский из Беверли Хиллз-2»...

ЧОРШАНБА, 7

Ўзбекистон

05.55 Курсатулар дастури. 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 07.00 «Икким» 07.05 «Ихбор» 07.10 ТВ - анонс. 07.15 ТелеТвтр: «Етти фарёд»...

Ўзбекистон

7.00 «Бодро устро» 7.50 «Тет-а-тет» 8.00 «Хабарлар» (рус. тил) 8.25 «Малахов +» 8.30 «Хабарлар» (узб. тил) 9.30 «Хабарлар» (узб. тил) 9.55 «Футбол шархи»...

МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

ХИКМАТЛАР

Сен мазаллат бирла ҳеч этма маишлат, ўзни тий, Айлама нокасга бир арзу ниёз, изхори қалб.

Филмасал, ризқинг сенинг гар бўлса юлдуздан йирок, Ул тушар кўқдин, инон, топгай уйингни ахтариб.

Кимсага айтмам ниҳон дарду гамимни, ложарам, Шод ўлур душман, вале маҳзун ўлур андин хабиб.

Бу дунёда киши айбин ёпармиш давлату сарват, Сўзини тўғри деб тасдиқ этарлар сўзласа каззоб.

Ақли комил берса Ҳақ инсонга, йўқ бир шубҳаким, Энг мукаммал хусни ахлоқ унга этгайдир насиб.

Ҳар кишига эларо турмуш, тириклик ақл ила, Ҳар не илму таҳриба бўлгай ақл бирлан дақиқ.

Ақли солимдир кишининг зийнати мардум аро, Тўғри йўлга бошласа, ул йўлчи юлдуздир, ённк.

Зийнату либос ила келурми хусни жамол, Камол ўлур сенга ёлғиз жамоли илму адаб.

Етим ўлурми ул кишиким, вафот этса падали, Етим улдурки, эрса ул етими ақлу шариф.

Майли, кимнинг насли бўлма, айла таҳсил адаб, Шу ўлур эсим басдир сенга, йўқ ҳожати зикри насаб.

Кимсаннинг мисдан, кумушдан бўлганин кўрдингми ҳеч Ёки олтидан бировни Тангри кўймиши ясаб?

Босми фахр ўлур инсонга фақат ақли расо, Ҳам ҳаё ҳамда маърифат, ҳамда ул фазлу адаб.

Халқни ҳурмат айлаганлар тоғди ҳурматдин насиб, Халқни таҳқир айлаганлар бўлдилар хору хароб. Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Тошкент тиббиёт академияси ректорати академиянинг 3-шифохонаси бош шифокори, доцент Муродин Холматович Қодировга қизи Мохилу Муродовна ҚОДИРОВАНИНГ бевақ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Первый канал

4.00, 8.05 «Доброе утро» 8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 23.35. 2.00 Новости. 8.30 Малахов +. 9.30 Модный приговор. 10.25 Контрольная закупка. 11.15 «Агент национальной безопасности»...

Россия

4.00 Доброе утро, Россия! 8.05, 3.00 «Их могли не спасти. Узники Курльского квадрата» Д/ф. 9.00 Серил «Гонка за счастьем»...

Россия

4.00 Доброе утро, Россия! 8.05, 3.00 «Их могли не спасти. Узники Курльского квадрата» Д/ф. 9.00 Серил «Гонка за счастьем»...

Россия

4.00 Доброе утро, Россия! 8.05, 2.50 «Нина Меншикова. Сердце матери»...

Россия

4.00 Доброе утро, Россия! 8.05, 2.50 «Нина Меншикова. Сердце матери»...

Россия

4.00 Доброе утро, Россия! 8.05 «Битва за Луну. Луноход против астронавтов»...

НТВ

5.00 «Сегодня утром» 5.45 Простое вкусно. 8.00 Капитальный вопрос. 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 22.00 Сегодня. 9.20 «Средний класс»...

НТВ

5.00 «Сегодня утром» 5.45 Простое вкусно. 8.00 Капитальный вопрос. 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 22.00 Сегодня. 9.20 «Средний класс»...

НТВ

5.00 «Сегодня утром» 5.45 Простое вкусно. 8.00 Капитальный вопрос. 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 22.00 Сегодня. 9.20 «Средний класс»...

НТВ

5.00 «Сегодня утром» 5.45 Простое вкусно. 8.00 Капитальный вопрос. 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 22.00 Сегодня. 9.20 «Средний класс»...

НТВ

5.00 «Сегодня утром» 5.45 Простое вкусно. 8.00 Капитальный вопрос. 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 22.00 Сегодня. 9.20 «Средний класс»...

НТВ

5.00 «Сегодня утром» 5.45 Простое вкусно. 8.00 Капитальный вопрос. 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 22.00 Сегодня. 9.20 «Средний класс»...

СТС

7.00 «Позиционный» Серил. 7.55 «Смешарики. «Скуби и Скрэппи» М/с. 8.30, 10.30, 17.00, 20.00 «Палины дочка»...

СТС

7.00 «Позиционный» Серил. 7.55 «Смешарики. «Скуби и Скрэппи» М/с. 8.30, 10.30, 17.00, 20.00 «Палины дочка»...

СТС

7.00 «Позиционный» Серил. 7.55 «Смешарики. «Скуби и Скрэппи» М/с. 8.30, 10.30, 17.00, 20.00 «Палины дочка»...

СТС

7.00 «Позиционный» Серил. 7.55 «Смешарики. «Скуби и Скрэппи» М/с. 8.30, 10.30, 17.00, 20.00 «Палины дочка»...

СТС

7.00 «Позиционный» Серил. 7.55 «Смешарики. «Скуби и Скрэппи» М/с. 8.30, 10.30, 17.00, 20.00 «Палины дочка»...

СТС

7.00 «Позиционный» Серил. 7.55 «Смешарики. «Скуби и Скрэппи» М/с. 8.30, 10.30, 17.00, 20.00 «Палины дочка»...

СТС

7.00 «Позиционный» Серил. 7.55 «Смешарики. «Скуби и Скрэппи» М/с. 8.30, 10.30, 17.00, 20.00 «Палины дочка»...

СТС

7.00 «Позиционный» Серил. 7.55 «Смешарики. «Скуби и Скрэппи» М/с. 8.30, 10.30, 17.00, 20.00 «Палины дочка»...

СТС

7.00 «Позиционный» Серил. 7.55 «Смешарики. «Скуби и Скрэппи» М/с. 8.30, 10.30, 17.00, 20.00 «Палины дочка»...

СТС

7.00 «Позиционный» Серил. 7.55 «Смешарики. «Скуби и Скрэппи» М/с. 8.30, 10.30, 17.00, 20.00 «Палины дочка»...

СТС

7.00 «Позиционный» Серил. 7.55 «Смешарики. «Скуби и Скрэппи» М/с. 8.30, 10.30, 17.00, 20.00 «Палины дочка»...

СТС

7.00 «Позиционный» Серил. 7.55 «Смешарики. «Скуби и Скрэппи» М/с. 8.30, 10.30, 17.00, 20.00 «Палины дочка»...

ТВ 3

7.00 Д/ф «Охота на Кловою» 8.00 М/ф «Черепахики ниндзя» «Космические спасатели лейтенанта Марша» «Приключения мультяшки»...

ТВ 3

7.00 Д/ф «Охота на Кловою» 8.00 М/ф «Черепахики ниндзя» «Космические спасатели лейтенанта Марша» «Приключения мультяшки»...

ТВ 3

7.00 Д/ф «Охота на Кловою» 8.00 М/ф «Черепахики ниндзя» «Космические спасатели лейтенанта Марша» «Приключения мультяшки»...

ТВ 3

7.00 Д/ф «Охота на Кловою» 8.00 М/ф «Черепахики ниндзя» «Космические спасатели лейтенанта Марша» «Приключения мультяшки»...

ТВ 3

7.00 Д/ф «Охота на Кловою» 8.00 М/ф «Черепахики ниндзя» «Космические спасатели лейтенанта Марша» «Приключения мультяшки»...

ТВ 3

7.00 Д/ф «Охота на Кловою» 8.00 М/ф «Черепахики ниндзя» «Космические спасатели лейтенанта Марша» «Приключения мультяшки»...

ТВ 3

7.00 Д/ф «Охота на Кловою» 8.00 М/ф «Черепахики ниндзя» «Космические спасатели лейтенанта Марша» «Приключения мультяшки»...

ТВ 3

7.00 Д/ф «Охота на Кловою» 8.00 М/ф «Черепахики ниндзя» «Космические спасатели лейтенанта Марша» «Приключения мультяшки»...

ТВ 3

7.00 Д/ф «Охота на Кловою» 8.00 М/ф «Черепахики ниндзя» «Космические спасатели лейтенанта Марша» «Приключения мультяшки»...

ТВ 3

7.00 Д/ф «Охота на Кловою» 8.00 М/ф «Черепахики ниндзя» «Космические спасатели лейтенанта Марша» «Приключения мультяшки»...

ТВ 3

7.00 Д/ф «Охота на Кловою» 8.00 М/ф «Черепахики ниндзя» «Космические спасатели лейтенанта Марша» «Приключения мультяшки»...

ТВ 3

7.00 Д/ф «Охота на Кловою» 8.00 М/ф «Черепахики ниндзя» «Космические спасатели лейтенанта Марша» «Приключения мультяшки»...

ТВ 3

7.00 Д/ф «Охота на Кловою» 8.00 М/ф «Черепахики ниндзя» «Космические спасатели лейтенанта Марша» «Приключения мультяшки»...

ТВ 3

7.00 Д/ф «Охота на Кловою» 8.00 М/ф «Черепахики ниндзя» «Космические спасатели лейтенанта Марша» «Приключения мультяшки»...

ТВ 3

7.00 Д/ф «Охота на Кловою» 8.00 М/ф «Черепахики ниндзя» «Космические спасатели лейтенанта Марша» «Приключения мультяшки»...

ТВ 3

7.00 Д/ф «Охота на Кловою» 8.00 М/ф «Черепахики ниндзя» «Космические спасатели лейтенанта Марша» «Приключения мультяшки»...

ТВ 3

7.00 Д/ф «Охота на Кловою» 8.00 М/ф «Черепахики ниндзя» «Космические спасатели лейтенанта Марша» «Приключения мультяшки»...

ТВ 3

7.00 Д/ф «Охота на Кловою» 8.00 М/ф «Черепахики ниндзя» «Космические спасатели лейтенанта Марша» «Приключения мультяшки»...

ТВ 3

7.00 Д/ф «Охота на Кловою» 8.00 М/ф «Черепахики ниндзя» «Космические спасатели лейтенанта Марша» «Приключения мультяшки»...

ТВ 3

7.00 Д/ф «Охота на Кловою» 8.00 М/ф «Черепахики ниндзя» «Космические спасатели лейтенанта Марша» «Приключения мультяшки»...

ТВ 3

7.00 Д/ф «Охота на Кловою» 8.00 М/ф «Черепахики ниндзя» «Космические спасатели лейтенанта Марша» «Приключения мультяшки»...

ТВ 3

7.00 Д/ф «Охота на Кловою» 8.00 М/ф «Черепахики ниндзя» «Космические спасатели лейтенанта Марша» «Приключения мультяшки»...

ТВ 3

7.00 Д/ф «Охота на Кловою» 8.00 М/ф «Черепахики ниндзя» «Космические спасатели лейтенанта Марша» «Приключения мультяшки»...

ТВ 3

7.00 Д/ф «Охота на Кловою» 8.00 М/ф «Черепахики ниндзя» «Космические спасатели лейтенанта Марша» «Приключения мультяшки»...

Спорт янгилликлари

ГАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИ

Хитойда теннис бўйича хотин-қизлар ўртасида ташкил этилган халқаро турнирни ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродова галаба билан бошлади.

Турнирни япониялик спортчи Рики Фуджияварага қарши бошлаган Оқгул рақибидан ҳар томонлама маҳоратли эканлигини исботлаб 6:3, 6:2 ҳисобида галаба қозонди.

УЗОҚОВ — КУМУШ МЕДАЛЬ СОҲИБИ

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида эркаклар ўртасида теннис бўйича ўтказилган халқаро турнир ҳамюртимиз Важа Узоқова омад келтирди.

Мусобақа давомида қучли рақибларини энг биғналгача етиб борган Важа Узоқов голлибик учун россиялик Евгений Кириллов билан кечган беллашувдагина имкониятни рақибга бой бериб қўйди ва кумуш медаль билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)

ТАҲЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

I. Сергели тумани СИБ томонидан, Тошкент ш. Сергели тумани СИБ ҳовлисида сакланаётган, «BA32106» русумли, д/р 10A1872 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситеси қўйилмоқда (ижро ҳужжати 15.11.2008й, №2511/08). Бошлангич баҳоси — 4 582 804 сўм.

Aукцион савдоси 2009 йил 3 ноябрь кунин соат 11:00да бўлиб ўтади. Талабгорлар диққатига! Юкоридаги автотранспорт воситаси 2009 йил 3 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситасини сотиши юзасидан такрорий аукцион савдоси 2009 йилнинг 24 ноябрь кунин бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий веб-сайти орқали олишингиз мумкин.

II. Юрналик тумани СИБ томонидан (17.08.09X, №14485, ижро ҳужжати асосан) У3. Рес МХХ Автотранспорт воситаларини саклаш амборхонасида сакланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. «Лексус LS-460L» русумли, д/р M8795 бўлган, 2008 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 123 146 158 сўм. 2. «Неския» русумли, д/р 30W5006 бўлган, 2008 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 8 103 933 сўм.

Aукцион савдоси 2009 йил 10 ноябрь кунин соат 11:00да бўлиб ўтади. Юкоридаги автотранспорт воситаси 2009 йил 10 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситасини сотиши юзасидан такрорий аукцион савдоси 2009 йилнинг 24 ноябрь кунин бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий веб-сайти орқали олишингиз мумкин.

Шунингдек 2009 йил 20 октябрь кунин соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосида такроран қуйидагилар қўйилмоқда. III. Собир Рахимов тумани СИБ томонидан, 1. (26.12.2008 й 10-0804/14268 сонли ижро ҳужжати асосан), Собир Рахимов тумани, Жомий кўчаси, 20-уйдаги «Жихоз» ОАЖнинг «Б» блок майдони 378 кв.м бўлган, 1943 йилда қурилган савдо дўкони қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси 162 500 000 сўм. 2. (05.01.2009 й, №10-0814/14878-сонли ижро ҳужжати асосан), Тошкент шаҳар, С.Рахимов тумани, Жомий кўчаси, 20-уй манзилдаги «Жихоз» ОАЖга тегишли, майдони 959 кв.м бўлган, қурилган йили номълум амборхона биноси («К» блокнинг бир қисми) қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 500 000 000 сўм.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари ва кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари иштирокатида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда ўтказилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотини билан тузиладиган гаров келишувга асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 %дан кам бўлмаган миқдорда гаров пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИБК-Ипак йўли банкни Сағбон Ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИИН: 200933850. Манзил: Тошкент ш. С.Рахимов т., М.Урабовов кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz. Лицензия: ДВ 001 №000004.

